

Journal of Social Research in Uzbekistan SJIF 2023: 6.831**JOURNAL OF SOCIAL RESEARCH IN UZBEKISTAN**

journal homepage:

<https://topjournals.uz/index.php/jsru>**PROBLEMS IN TRANSLATION OF MEDICAL TERMS IN UZBEK AND ENGLISH LANGUAGES****Rashidjon Khaliqnazarov**

*Chief designer of the educational process organization and quality control department
Fiscal institution
Tashkent, Uzbekistan*

ABOUT ARTICLE

Key words: Society, computer technology, education, student.

Received: 06.05.23

Accepted: 08.05.23

Published: 10.05.23

Abstract: The article talks about the development and intensive improvement of modern information and computer technologies and communications that play an important role in the life of society and are constantly included in the education system, which significantly brings the quality of educational processes to a new stage and the wide opportunities created to move it to a new stage. level. The article describes the wide opportunities that open up for teachers, students and pupils as a result of the rapid introduction of various information and multimedia technologies into the education system, which lays the foundation for the implementation of individual and collective teaching methods and knowledge transfer.

ТАЪЛИМ ТИЗИМИГА АХБОРОТ ВА МУЛЬТИМЕДИА ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ЖОРӢ ҚИЛИШНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ ХУСУСИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР**Рашиджон Халиқназаров**

*Ўқув жараёнини ташкил этиши ва таълим сифатини назорат қилиши бўлими бош услубчиси
Фискал институту
Ташкент, Ўзбекистон*

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Жамият, компьютер технологиялари, таълим, талаба.

Аннотация: Мақолада жамият ҳаётида мухим рол ўйнаётган ва таълим тизимиға муттасил кириб келаётган замонавий ахборот ва компьютер технологиялари ҳамда алоқа воситаларининг равнақ топиши ва интенсив ривожланиши, таълим жараёнлари сифатини сезиларли даражада янги босқичга олиб чиқаётгани, унинг янги босқичга кўтарилиши

учун яратилаётган кенг имкониятлар хусусида сўз юритилади. Мақолада таълим тизимига турли ахборот ва мултимедиа технологияларининг жадал кириб келиши натижасида педагоглар, талаба ва ўқувчилар учун яратилаётган кенг имкониятлар, уларнинг якка ва жамоавий тартибда таълим олиш ва билим бериш усусларини амалда жорий этишга замин яратадиган баён қилинган.

ПРОБЛЕМЫ ПЕРЕВОДА МЕДИЦИНСКИХ ТЕРМИНОВ НА УЗБЕКСКИЙ И АНГЛИЙСКИЙ ЯЗЫКИ

Рашиджон Халикназаров

*Главный конструктор отдела организации учебного процесса и контроля качества
Фискальное учреждение
Ташкент, Узбекистан*

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Общество, компьютерные технологии, образование, студент.

Аннотация: В статье рассматривается о развитии и интенсивном совершенствовании современных информационно-компьютерных технологий и средств связи, которые играют важную роль в жизни общества и постоянно входят в систему образования, что значительно выводит качество образовательных процессов на новый этап и широкие возможности, созданные для его продвижения на новый уровень. В статье описываются широкие возможности, открывающиеся перед педагогами, студентами и воспитанниками в результате стремительного внедрения в систему образования различных информационно-мультимедийных технологий, что закладывает основу для реализации индивидуальных и коллективных методов обучения и передачи знаний.

КИРИШ

Бугунги жадал суръатларда янги замонавий ахборот телекоммуникация технологиялари ва алоқа воситаларининг равнақ топиши ва интенсив ривожланиши, таълим жараёнлари сифатини сезиларли даражада янги босқичларга кўтарилишига кенг имкониятлар яратмоқда. Таълимда турли ахборот технологияларининг мавжудлиги педагог, талаба ва фойдаланувчилар учун компьютердан шахсий истеъмолчи сифатида фойдаланиш имкониятини яратиб бермоқда. Бу ўз навбатида фойдаланувчининг географик жиҳатдан дунёнинг қайси ҳудудида бўлишидан қатый назар якка ва жамоавий тартибда таълим олиш ва билим бериш усулини амалда жорий этишга замин яратди.

АСОСИЙ ҚИСМ

Жамиятнинг барча соҳаларига ахборот коммуникация технологияларининг жадал суръатларда кириб келиши инсонларнинг ахборотларга бўлган муносабатларини тубдан ўзгартирди. Бу эса ўз навбатида ахборот ресурсларидан фойдаланиш борасида бир қатор ислоҳотларни амалга оширишни тақозо этди. Ҳусусан, бугун таълим соҳасини модернизациялашда ахборот технологияларининг бекиёс имкониятлари муносиб ўрин эгаллай бошлади. Тажрибалар шуни кўрсатадики, ахборот технологияларидан ўринли фойдаланиш мақсадга мувофиқ, акс ҳолда у самара эмас балки, зарар етказиши ҳам мумкун. Шу боисдан таълим тизимини модернизациялаш жараёнида юзага келган айрим муаммоларни ахборот технологиялари ёрдамида ҳал этиш омиллари мавжудлиги ҳеч кимга сир эмас.

Ахборот технологиялари, ҳусусан компьютер техникиси ва мавжуд дастурий воситалардан фойдаланиш таълим соҳасини ривожланишига муносиб ҳисса қўшид ва ўқув жараёнлари билан боғлиқ турли масалаларни тезкор ва сифатли бажарилишини таъминламоқда. Бунга яққол мисол сифатида таълим тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар қаторида ўқув юртларига қабул жараёни, оралиқ ва якуний назоратларни тест усулида ўтказилишини мисол қилиб келтириш мумкин. Шубҳасиз, бу жараён ўзининг ижобий самарасини берди, десак муболаға бўлмайди.

Аммо кейинги йиллардаги кузатув ва статистик таҳлиллар шундан далолат берадики, барча соҳа йўналишлари бўйича мутахассислар тайёрловчи олий ва ўрта маҳсус ўқув юртлари учун тест усулида қабул синовларининг жорий этилиши, оралиқ ва якуний назорат турларининг компьютер технологиялари орқали амалга оширилиши билан бирга, айрим таълим йўналишларида сўровнинг бошқа усул (оғзаки сўров, коллоквиум, картина ва иллюстрациялар намойиши, тарқатма материаллар каби)лари орқали синов жараёнларини ташкил этишни тақозо этмоқда. Булар гуманитар фанлар, хукуқшунослик, тиббиёт, қишлоқ хўжалиги, санъат, журналистика, жисмоний тайёргарлик соҳа йўналишларида яққол кўзга ташланмоқда.

Айрим олий ўқув юртларида талабалардан ўқув машғулотларида оғзаки ва ёзма усулларда синов ва назорат турларини ўтказилсада, ахборот технологияларини пухта эгалламаган ёшлар савиясининг АКТга оид билимлари ва амалий кўнилмаларини пасайиб кетишига олиб келмоқда. Бунда ўқув жараёнида профессор-ўқитувчилар ҳамда ишлаб чиқаришга йўналтирилган битирувчи ёш мутахассислар ахборот ва рақамли технологиялардан самарали фойдаланиш борасида айрим муаммоларга дуч келмоқдалар.

Ахборот технологияларининг такомиллашиб бориши ва жамиятнинг барча соҳаларига татбиқ этилиши, таълим соҳасига ҳам юксак вазифаларни юклади. Кўп босқичли таълим жараёнида талабалар таркибидан иқтидорлilarини танлаш ва уларнинг келажаги, яъни

жамият ривожига ҳисса қўша олиш қобилиятларини шакллантиришга алоҳида эътиборни қаратиш лозимлигини ҳаётни ўзи тақозо этмоқда. Шу боисдан бугунги кунда айниқса олий ўкув юртларини АҚТ ва мультимедиа таълим технологияларидан хабардор, етук, тажрибали кадрлар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш зарур [2].

Чунки, компьютер ва ахборот тизими натижасида талаба ва ўқувчиларнинг билим олишлари учун кенг доирада, имкониятлар юзага келиб, улар абстракт билим олишдан амалий билим олиш даражасига чиқмоқдалар. Бу эса уларнинг ақлий тафаккури ва мушоҳадасини кенгайтириб, уларда амалий кўнималар олиш қобилиятини кенгайтирумокда. Шу билан бирга ахборот технологияларининг имкониятларидан келиб чиқсан ҳолда ўкув юртлари ўкув юкламаларида мустақил таълимга кўп микдордаги соатлар ажратилмоқда. Бу ҳам бежизга эмас. Чунки, талабанинг олган билими, олиб борган илмий тадқиқоти, яратувчанлик ишлари натижаларини амалда қўллаш имкониятлари юзага келади.

Жамиятнинг ижтимоий-иктисодий ривожланиши бевосита ишлаб чиқариш маҳсулотлари тури ва хизматларнинг сифат қўрсаткичларига боғлик. Давлатга тегишли ва хусусий корхоналар ишлаб чиқариш маҳсулот турларининг кун сайин талабга қараб ўзгариб бориши рақобатни юзага келтирмоқда. Бу ўз навбатида маҳсулотлар харидорлигини таъминлаш учун уларнинг сифат даражаларини оширишни талаб этмоқда.

Ахборот телекоммуникация тизимининг кенг тармоқ отиб, жадал суръатларда ривожланиши хоридорнинг интернет тармоғи орқали ўзига зарур бўлган маҳсулотни ёки хизматни танлаш имконини яратмоқда. Бу ўз навбатида хоридорнинг ўз уйидан ёки иш жойидан чиқмаган ҳолда маҳсулот учун буюртма бериши, битимлар тузиши, электрон тарзда мулоқот қилиши, хужжат алмашиниши, тўловларни электрон усулда амалга оширишини таъминламоқда. Бунда АҚТ доирасида олинган билимлар муҳим рол ўйнамоқда. Натижада хоридор қимматли вақтини тежайди, кенг қамровли танловга эришади, паст нарҳда сифатли маҳсулот харид қиласди. Шунингдек, ишлаб чиқариш корхонаси ички ва ташқи бозорларда маҳсулотга бўлаётган талабни кузатиб бориш имконига эга бўлади, рақобатчиларнинг фаолиятидан хабар топиб туради ва ўз иш фаолиятига тегишли ўзгартиришлар киритади, бозор талабига тезда мослашади. Бундай жараён олий таълим муассасалари ўртасида ҳам рақобатни кучайтириб, талабаларнинг ушбу соҳадан билимларининг сифат қўрсаткичларининг ошишига бевосита таъсир кўрсатади.

Шу билан бирга бугунги кунда таълим тизимида энг кенг тарқалган таълим технологияларидан бири бу, мултимедиали таълим технологиясидир. Бунда таълимнинг ўзига хосликларидан келиб чиқиб, мултимедиали манбалар ва алоқа воситалари ва таълим технологиясини қуидагича таснифлаш мумкин:

- таълим берувчи ўқув ахборотини тақдим этади ва ўқувчи ёки талаба эгаллаган билими, имкониятлари ва қизиқишлирига мувофиқ ўзининг таълим олиш йўналишларини танлайди;
- АКТ жихозлари, дастурий воситалар ўқув-услубий жараёнлар ва материалларни муқобил варианtlарини танлаш имкониятини яратади;
- фанларни турли йўналишларда моделлаштиришга йўналтиради;
- АКТ бошқарув воситалари, ишни тез ва сифатли, ортиқча қоғозбозликлар орқали бошқариш учун имкон туғдиради;
- ОТМ нинг маъмурий бошқарув аппарати ходимлари ишини ташкил этиш, хужжат тайёрлаш ва алмасиш жараёнларини автоматлаштиришга хизмат қиласди;
- турли хил ўйин ва ўйинли ўқув фаолиятларини таъминлайди;
- зарур бўлган ахборотларни интернет тармоғидан олиш шарт шароитларини яратади;
- моделлаштирувчи – объект, жараён ва ҳодисани ўрганиш ва тадқиқот қилиш мақсадида унинг моделини яратиш учун мўлжалланган.

Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, аслида мультимедианинг бир неча таърифлари мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардир:

- Мультимедиа – турли маълумотларни ишлаб чиқиш, ишга тушириш, қайта ишлаш воситаларини қўллаш тартибларини таърифловчи замонавий ахборот технологиясидир;
- Мультимедиа – компьютер аппарат таъминоти (компьютерда компакт-дисклар ўқиш қурилмаси – CD-Rom Drive, унинг ёрдамида овозли ва видео маълумотларни эшилтиришга ёрдам берадиган овоз ҳамда видеоплата, қаттиқ диск ва бошқа маҳсус қурилмаларнинг мавжудлиги)дир;
- Мультимедиа – бу бир неча маълумотларни тақдим этиш воситаларининг бир тизимга бирлашиши. Одатда мультимедиа деганда матн, овоз, графика, мультиплексија, видеотасвир ва фазовий моделлаштириш каби маълумотларни тақдим этиш воситаларининг компьютер тизимидағи бирлашиши тушунилади.

Бундай воситаларнинг бирлашиши маълумот қабул қилишнинг янги сифатли даражасини таъминлайди. Бунда инсон унда фаол иштирок этади. Мультимедиа воситалари билан ишловчи дастурлар кўп модаллидир, яъни улар бир неча сезги органларига бир вақтда таъсир қилгани учун аудиториянинг қизиқиши ва эътиборини тортади. Мультимедиа илова мазмуни муаллиф томонидан сценарий тайёрлаш пайтида атрофлича ўйланади ва технологик сценарийни ишлаб чиқишида аниқлаштирилади.

Хозирги вақтда кўплаб компания ва фирмаларда семинарлар, учрашувлар, тренинглар ва бошқа тадбирларни ўтказиш турли компьютер технологияларидан фойдаланилмоқда. Маълумот мазмунга бой, эсда қоладиган ва кўргазмали бўлиши учун кўпроқ мультимедиа технологияларидан фойдаланилади. Булар матн, графика ва овозли материаллар каби

маълумотларнинг турли шаклларини қайта ишлашга имкон берувчи мультимедиа аппарат воситалари бўлиши билан бирга, амалий дастурлар пакетлари ҳамdir.

Иллюстрация, жадвал ва чизмалар мавжуд бўлган анимация элементлари ва овоз ёрдамида тақдим этилаётган яхши безак берилган мультимедиали илова ўрганилаётган материални қабул қилишни осонлаштиради, тушуниш ва эслаб қолишга ёрдам беради. Таълим олувчининг билим олишга бўлган фаоллигини ошириб, ўқув фани мазмуни ҳақида аниқроқ ва тўлароқ тушунчага эга бўлишини таъминлайди.

Мультимедиа иловалари ишлаб чиқишига йўналтирилган турли-туман, бир-биридан фарқли технологик усуллар мавжуд. Ушбу иловаларни яратиш ва улардан фойдаланишда бир қатор асосий технологик тавсияларга амал қилиш керак. Мультимедиа иловаларини яратиш учун асос сифатида материални элементларга бўлиш ва кўргазмали равишда тақдим этишига асосланган ҳолда тизимлаштириш усулини ўзида мужассам этган материални қамраб олиш моделини олиш мумкин.

Мультимедиа иловасидан фойдаланишда қуидагиларга эътибор бериш лозим:

- экрандаги маълумот тизимга келтирилган бўлиши керак;
- маълумотлар товушсиз ва товушли маълумотларга алмасиб туриши керак;
- ранг ёрқинлиги ёки товуш баландлиги даврий равишда ўзгариб туриши керак;
- акс этилаётган материал мазмуни жуда ҳам содда ёки жуда ҳам мураккаб бўлмаслиги керак. Экрандаги кадр форматини ишлаб чиқишида ва яратишида кўриш майдонини ташкил этиш мухим.

ХУЛОСА

Мультимедиа иловаларини ишлаб чиқишида турли ранг ва фонда тасвирланган обьектлар талаба ва ўкувчилар томонидан турлича идрок қилинишини ҳисобга олиш зарур. Визуал ахборотларни ташкил этишида предметларнинг фонга нисбатан контрасти муҳим роль ўйнайди. Контрастнинг икки тури мавжуд: тўғри ва тескари. Тўғри контрастда предметлар ва унинг тасвирлари фонга нисбатан тўқроқ, тескари контрастда эса очроқ бўлади. Мультимедиа иловалари орқали машғулотларда одатда ҳар икки туридан ҳам фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади. Хулоса сифатида айтиш мумкунки, таълим бериш жараёнида АҚТдан фойдаланиш ўтилаётган мавзуларни кенгроқ тушунишга сабаб бўлади. Зеро инсон ҳаётдаги кўп билимларни кўзи билан кўриш ва қулоқ билаш эшитиш орқали қабул қиласди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Очилдиев А.С. Миллий ғоя ва миллатлараро муносабатлар. Т.: Ўзбекистон, 2004.
2. Икромова К. Дарсларда дидактик воситалардан фойдаланиш. // Умумтаълим фанлари методикаси. Т. 2016.